БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 53 (1831)
15 МАРТ
ЧОРШАНБА
1961 йил
БАҲОСИ 2 тийин

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ОДАМЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида ишлаб чиқилган равшан ва ҳар томонлама кенг программаси қишлоқ меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармокларини янада юксалтириш учун курашга руҳлантирди. Буни кишлоқ хўжалик илғорларининг Ростов, Тбилиси Воронеж, Москва, Свердловск ва Новосибирскда бўлиб ўтган зона кенгашлари яққол кўрсатиб турибди. Бу кенгашлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жуда кисқа муддатлар ичида кескин кўпайтиришнинг реал имконияти борлигини ва бу йилнинг ўзидаёқ олга томон катта қадам қўйиш мумкинлигини очиқ исботлаб берди.

Ҳаракат программаси белгилаб берилган ҳозирги пайтда бутун диккат-эътибор оммани ташкил этишга кун сайин сабот билан амалий иш олиб боришга қаратилиши лозимлиги Марказий Комитет Пленумининг қарорларида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда ва зона кенгашларида сўзлаган нуткларида, уктириб ўтилмоқда. Ҳозир бутун гап шундаки, жуда катта резервлар ишга солиниши, кадрлар тўғри танланиши ва жойжойига қўйилиши лозим.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Сибирь областлари, ўлкалари ва автоном республикалари кишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида сўзлаган нуткида бундай деди: **«Ишнинг муваффақиятини одамлар — ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимлар ҳал қилади. ...Партия ва совет ташкилотлари, партиянинг ёрдамчиси бўлган шонли Ленин комсомоли ҳар бир участкада, ҳар бир катта ва кичик ишнинг бошида ишни муносиб равишда олиб бора оладиган, муваффақиятларга эриша оладиган кишилар туриши учун барча зарур чораларни кўришлари лозим. Шундай кишилар бизда бор».**

Кейинги йилларда партия ва унинг маҳаллий ташкилотлари колхозлар ва совхозларни, қишлоқ районларини ишнинг кўзини биладигач ва амалий ишда синалган яхши ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш соҳасида катта ва самарали иш олиб бордилар. Партия ташкилотлари эски кадрлардан самарали фойдаланиш билан бирга ёш ташкилотчиларни ҳам кўтаришлари, уларнинг ўз қобилиятларини кўрсата олишлари, ишга янгилик кирита олишлари учун бутун шароитни яратиб беришлари лозим.

Кўпгина партия ташкилотлари бу сохада яхши тажриба орттирдилар. Лекин ёш кадрларни кўтаришдан бюрократларча қўрқиш касалига мубтало бўлган партия комитетлари ва партия ташкилотлари ҳам бор. Бундай ташкилотларда ишни барбод килган, камчиликларга, раҳбарликнинг паст савияда бўлишига кўникиб колган ходимларни бир жойдан иккинчи жойга ўйнириб кўя бериши афзал кўрадилар. Масалан, Фарғона областининг Қува районида кам қобилиятли колок кишилар раҳбарлик ишларида кўпдан бери ўрнашиб келмоқдалар, бу эса, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига ёмон таъсир килмокда. Район партия комитети колхозлардаги раҳбар кадрлар составини мустаҳкамлаш чораларини кўрмаётир, маълум одамларнинг ўзини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб кўя бериш билан шуғулланмоқда. Район колхозларининг раислари орасида фақат битта агроном бор, холос.

Ҳозир бизда кобилиятли, ишнинг кўзини биладиган, партия сиёсатини чуқур тушунадиган ва бу сиёсатни амалга оширишга, хўжаликни илмий асосда олиб боришга лаёқатли бўлган, партияга садоқатли, малакали кишилар кўпдир. Янги кадрларни ола бериш мумкин ва лозим бўлган манбалар битмас-туганмасдир. Хўжаликка раҳбарлик қилишга лаёқати бўлмаган, янгиликни сезиш хиссини йўқотиб қўйган, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига бюрократларча караётган кишиларни эса, бир жойдан иккинчи жойга олиб кўя бермасдан, балки ишдан озод кила бериш керак.

Партия ёш кадрларни дадил кўтара бериш зарурлигини таъкидлаш билан бир вақтда, одамлар яхши ишлаётган бўлса, умумий ишга фойда бераётган бўлса, бундай одамларни хурматлаш ва кадрлаш кераклигини ҳам ўргатмоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Марказий Комитетнинг январь Пленумида «Одамларга нисбатан сезгир бўлиш, одамнинг факат туғилган йилигагина қарамасдан, ...жонли кишини кўриш, унинг қобилиятларини билиш ва унга охиригача ишлаш, коммунизм қурувчиларнинг сафларида бўлиш имкониятини бериш» зарурлигини уқтириб ўтди.

Буни баъзи бир маҳаллий партия органлари унутиб қўяётганликларини фактлар кўрсатиб турибди. Улар кадрларга нисбатан кам талабчанлик килмоқдалар, кадрларни коммунистик ғоявийлик руҳида, давлат манфаатларига ҳалол муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш тўғрисида етарли ғамхўрлик килмаётирлар.

Иваново область партия ташкилотида кадрларни тарбиялашда катта хатоларга йўл қўйилди. Маълумки, Россия Федерациясидаги ери кора тупрок бўлмаган зона районлари кишлок хўжалик илғорларининг кенгашида Ўртоқ Н. С. Хрушчев Гаврилово-Посад районидаги «Родина» кишлок хўжалик артели колхозчиларининг хатини ўкиб берди. Бу хатда колхоз раиси Кузьмичев хўжаликни барбод бўлиш даражасига олиб келганлиги айтилган эди. Колхозчилар район партия комитетига мурожаат килган бўлсалар ҳам, лекин ёрдам ололмаганлар. Сигналлар область партия комитетига хам бориб етган, лекин обком ходимлари бу сигналларга парво килмаганлар. Москвадаги кенгашда каттик танкид килингандан кейингина Иваново область партия комитети зарур чораларни кўрди.

Киров область партия ташкилотида кадрлар билан ишлашда, кишлок хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар ва хаталарга йўл кўйилганлиги маълум бўлиб колди. У ерда кейинги вақтларгача танкид ва ўз-ўзини танкид тузук авж олдирилмаган, кадрлар камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш рухида яхши тарбиялнмаган, меҳнаткашларнинг сигналларига масъулиятсизлик ва принципсизлик билан қараб келинган. Киров область партия комитетининг пленуми Ўртоқ Пчеляковни кишлок хўжалигига раҳбарлик килишда хаталарга йўл кўйганлиги, кўзбўямачилик фактларига нисбатан принципсизлик кўрсатганлиги учун, танкид ва ўз-ўзини танкидга чидамаганлиги учун область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан олиб ташлади.

Танкид ва ўз-ўзини танкидни, партия демократиясини кенг авж олдирмасдан туриб, ходимларни камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, давлат интизомига риоя килиш рухида тарбиялаб бўлмайди. Ўтмишнинг ҳар хил сарқитларига мубтало бўлган кишиларнинг камчиликларини ва хатоларини канчалик кўп ва ўткир танқид қила бersак, коммунизм қуриш йўлида тағин ҳам муваффақият билан олга боришимизга халакит берадиган нарсаларнинг ҳаммасини шунчалик тез тугатамиз.

Коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини амалга ошириш партия ташкилотларидан кадрларни маркса-ленинча чиниқтиришни кучайтиришни, барча меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини оширишни талаб килади.

Ҳозирги вақтда қолоқ колхозлар ва совхозларни тажрибакор, сергайрат ишнинг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлашга алохида эътибор берилиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, у ёки бу колхоз, совхоз ва районларнинг орқада қолишини оклайдиган сабаблар йўк ва бўлиши мумкин эмас. Хамиша орқада кола беради, деб пешонасига ёзиб кўйилган хўжаликлар ва районлар бўлиши мумкин эмас. Модомики бир хил колхозлар ва районлар ишни яхши олиб бораётган экан, кўпчилик колхозлар ва районлар ҳам ишни шундай яхши олиб боришлари мумкин. Фақат уларни тажрибали, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш керак. Колхозлар «чемоданларда ўтириб олган», колхозда ишлаб, ўзи колхоздан узоқда яшайдиган, ўзининг орқада қолаётганлигидан нолиб, бунинг учун ҳар кандай сабаблар кидираётган ходимларга мухтож эмас. Колхозларга одамларни ғайратлантира оладиган, улуғ ишларга кўзгата оладиган, бирин-кетин муваффақиятларга эриша оладиган, омма билан чамбарчас боғланган жангговар ва истеъдодли ташкилотчилар керак.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг кадрлар билан ишлаш тўғрисидаги кўрсатмалари катта принципиал, умумпартиявий аҳамиятга эга. Бу кўрсатмалар фақат кишлок хўжалигигагина таллукли бўлмасдан, шу билан бирга, саноатга, қурилишга, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига таллукли кўрсатмалардир. бу кўрсатмалар барча партия ташкилотларини раҳбарликнинг ленинча услуби билан қуроллантиради.

Партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни такомиллаштириб, омма орасида жанговар, муайян мақсадга йўналтирилган партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни тағин ҳам кенг авж олдиришлари, оммaнинг куч ва ғайратини партия категорияларини амалга оширишга, коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини рўёбга чикаришга сафарбар килишлари лозим.

(«ПРАВДА»нинг 13 мартдаги бош мақоласи).

МУКОФОТИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Ўзбекистон медицина ходимларининг бир группасига орден ва медаллар топширилди

13 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон медицина ходимларининг катта бир группасига орден ва медаллар топширилди.

Мукофотлар топширишга бағишланган тантанали йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков очди. Республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди. Мукофотларни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова топширди.

Тошкент область, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз туғруқхонасининг акушеркаси Н. Маликова, тез ёрдам Тошкент клиника касалхонасининг санитаркаси А. Н. Баранникова, Тошкент медицина институтининг кафедра мудири Л. Д. Василенко, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов, Ўзбекистон медицина паразитологияси ва гельминтологияси илмий-тадқиқот институтининг директори Л. М. Исаев, ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб 24 киши Ленин ордени, 1 киши Медицина ходимларидан 54 кишига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 59 кишига «Ҳурмат белгиси» ордени, 140 кишига «Шавкатли меҳнат учун» медали берилди.

Акушерка Н. Маликова, Тўрткўл бирлашган касалхонасининг врачи С. Жуманазаров, Тошкент медицина институтининг доценти В. В. Воҳидов ва Урганч шаҳар инфекцион касалхонасининг бош врачи Т. А. Кузнецова мукофотланганлар номидан Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига совет медицинасини ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрликлари учун самимий ташаккур изҳор килдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ё. С. Насриддинова мукофотланганларни самимий табриклади, уларнинг ишида янги муваффақиятлар, шахсий турмушларида бахт-саодат тилади. Ўртоқ Насриддинова мукофотланганларга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Сизлар ҳукуматнинг юксак мукофотларини КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари, севикли партиянинг XXII съездига тайёргарлик муносабати билан сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гўёт ўсган ажойиб кунларда олдингиз. Ўзбекистон медицина ходимларининг энг муҳим вазифаси меҳнаткашлар соғлигини сақлаш ишини кун сайин яхшилаш, ўз маҳоратларини янада такомиллаштириш, энг янги фан ютуқларини даволаш ишлари практикасига кенг жорий қилиш, санитария-гигиена билимларини омма ўртасида кенг ёйиш, соғлом турмуш учун актив кураш олиб боришдан иборатдир. (ЎзТАГ).

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига

Ҳолмуҳаммад Отауллаев ўрта мактабни тугатгач, 2-авторемонт заводига ишга келган эди. У кўп ўтмай слесарлик касбини ўрганиб олди. Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Ҳ. Отауллаев КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини 130—140 процентга етказиб адо этаётир. Шу билан бирга у кечки педагогика институти география факультетининг I курсида ўқимокда. Суратда: ўртоқ Ҳ. Отауллаев иш устида.

А. Палехов фотоси.

МАКАРОН ФАБРИКАСИДА

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги биринчи макарон фабрикасининг меҳнатсевар коллективи партия XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари плани анча ортиги билан бажарилди. Қўшимча равишда бир неча тонна юқори сифатли макарон маҳсулотлари тайёрланди.

Гагановачи К. Николаева бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси коллектив эришаётган ютуқларга баракали ҳисса қўшмоқда. Ёшлар февраль ойида қўшимча равишда 13 тонна макарон тайёрлаб, корхонадаги бригадалар орасида биринчи ўринни эгаллашди.

ДАСТЛАБКИ ТАКЛИФЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Корхона янгилик изловчилари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишларни енгиллаштиришга қаратилган такалифлар билан чиқмоқдалар. Ўтган икки ойда бир неча янги новаторлик таклифи тушди. Айниқса, слесарь ўртоқ А. Лобанов таклифи диққатга сазовордир. У «МПД» маркали пресни такомиллаштирди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланди, брак деярли бартараф этилди. Бошқа таклифлар ҳам амалга оширилиб, макарон ва вермишель таннархи арзонлаштирилди.

ЯНГИ СУШИЛКА

Яқинда анча такомиллашган қуритиш сушилкаси ишга туширилди. Сушилка бир ярим соат ичида бир тонна макаронни қуритиб чиқаради. Тайёрланган макаронни сушилкага қўлда олиб боришга хотима берилди, бу процесс автоматлашди. Натижада уч киши бошқа ишга ўтказилди.

Макарон солинадиган коробкалар ҳа демай ярим автомат агрегати орқали тайёрланадиган бўлади. Бу эса бирнеча кишини қўл меҳнатидан озод қилади. Янги агрегат ҳар йили корхонага ўнларча минг сўм фойда келтиради.

Х. ШАРИПОВ.
И. РУСТАМОВ,
А. СОТВОЛДИЕВ.

Ваъданинг устидан чиқиш учун

Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС-нинг навбатдаги XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зиммаларига оширилган мажбурият олишган. Йиллик планни 23 декабргача бажариш, 11 минг метр газламани иқтисод қилишга аҳд қилишган.

Коллектив эл-юрт олдида берилган ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Бунда, айниқса, 2-цех коллективи яхши натижаларга эришаётир. Бир тан-бир жон бўлиб ишлаётган тикувчилар илғор иш методларини қўлланиб, кунлик топшириқни 115 процентга етказиб адо этишяпти. Цехда илғор ишчилар қатори тобора кенгаяётир. Яқиндагина меҳнат қучоғига келган чеварлар эндиликда пешқадамлар сафига чиқиб, олишди. Комсомол аъзоларидан Тўлаганова, Тўрахўжаева ва бошқа ўнлаб ёшлар шулар жумласидандир. Ўз касбини пухта эгаллаб олган бу чевар қизлар нормани 170—200 процентдан бажаришяпти, доимо сифатли маҳсулот беришаётир.

Фабрика коллективи ҳам чакки ишлаётгани йўқ. Январь ва февраль ойлари учун белгиланган планлар анча ошиғи билан адо этилди.

А. ГОРОШИН.

ЯНА ОЛДИНДА

Фабрикамизда КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Биз январь ва февраль ойларида планни муддатидан анча олдин бажариб, қўшимча равишда бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Коммунист Абдулла Додахўжаев бошлиқ 3-цех коллективи мусобақада пешкадамлик қилмоқда. Ўтган 2 ой ичида улар пландан ташқари 30 минг сўмлик турли хил мебеллар тайёрладилар. Цех ишчилари 4 ойлик планни улуғ доҳимиз В. И. Ленин туғилган кун — 22 апрелгача бажариш мажбуриятини олиб, 1600 та юмшоқ диван, 900 та диван-кроватъ болалар боғчалари учун 300 комплект-мебель ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Асқар Ғозиев, Василий Мирошниченко ўртоқлар бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадалари январь ва февраль ойи планларини 130 процентга етказиб бажардилар. Бригада аъзолари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа яхши натижалар бераётир. Пардозчилардан Музайяна Каримова, Насиба Жўраева, упаковкачилар Пётр Гречушев, Пирмат Нурматов каби ўртоқлар кунлик топшириқни 1,5—2 ҳисса адо этиб, бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

Т. НАЖМИЙ,
Тошкентдаги 3-мебель фабрикасининг хизматчиси.

Қишлоқ меҳнаткашлари соғлиғининг посбонлари

<>

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

<>

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ҳакида гапирилганда, эришилган муваффақиятларни одатда 1953 йил сентябри билан, яъни КПСС Марказий Комитетининг тарихий Пленуми бўлиб ўтган вакт билан таққослайдилар. Шу вакт ичида Ўзбекистонда халқ соғлигини сақлаш соҳасида ҳам ажойиб ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон кишлокларида касалхоналар сони икки баравар, улардаги ўринлар сони эса уч баравар кўпайди. Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш йўлида кейинги йил ичида катта кадам қўйилди. 12 минг ўринли кишлоқ даволаш стационарлари ишга туширилди, бу эса бундан олдинги 40 йил ичида ишга туширилган ана шундай муассасалар сонига баравардир. Кишлоқларда клиника-диагностика лабораторияларининг сони икки баравар, рентген аппаратларининг сони 7 баравар кўпайди. Меҳнаткаш оналар хакида зўр ғамхўрлик килинмокда. 1953 йил сентябрь ойида кишлоқларда бир ярим минг фельдшерлик-акушерлик пункти бор эди, ҳозир эса уларнинг сони уч мингдан ошди. Колхоз туғруқхоналари уч баравар кўпайди. Бўшаган маъмурий биноларни соғлиқни сақлаш органларига бериш соҳасидаги халқ ташаббуси кенг ёйилди.

Шу фактларнинг хаммаси КПСС Марказий Комитети январь Пленуми карорлари муносабати билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш органларининг вазифаларини муҳокама килган медицина ходимлари активининг республика кенгашида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов докладида келтирилди.

Кенгашда медицина муассасалари тармоқларини янада кенгайтиришга катта эътибор берилди. Медицина саноати корхоналарини қуриш ва реконструкциялаш соҳасида катта ишлар килиш мўлжалланади. Етти йилликда шу мақсадлар учун 47 миллион сўм маблағ ажратилган. Фармацевтика саноати кенгайтирилади. Янги дорихоналар ва дорихона пунктлари ташкил килинади.

Халқ соғлиги учун кураш профилактика чораларидан бошланади, деб таъкидланди докладда ва профессорлар С. А. Масумов, Л. Д. Василенколарнинг, сил касаллигига карши кураш института директорининг ўринбосари Б. Абдуровнинг ва кенгашда сўзга чиққан бошқа ўртоқларчинг нутқларида. Украинадан намуна олиб, мунтазам кардиология хизматини вужудга келтириш, ахолига онкологик, сил касаллигига қарши ва стоматологик ёрдами кўрсатишни яхшилаш муҳимлиги уқтириб ўтилди. Хотинлар ва болалар консультациялари тармоқларини тобора кўпайтириш зарур. Аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария-гигиена ҳолатини, уларнинг ободончилигини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериш керак.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий кенгашининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент — аъзоси Э. И. Отахонов ўз нутқида медик олимларнинг ишини пухта координациялаш, уларнинг эътиборини асосий проблемаларни ҳал этишга каратиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Кенгашда Курортология илмий-тадқиқот институтининг директори Я. К. Мўминов, Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Н. А. Нажмиддинов, Фарғона область, Бағдод район медицина бирлашмасининг бош врачи Л. И. Барановалар халқ соғлигини сақлаш ишларини тобора ривожлантириш учун Ўзбекистонда катта резервлар ва имкониятлар борлигини таъкидладилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Ё. С. Насриддинова, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат Қ. М. Муртазоев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати юбордилар. (ЎзТАГ).

ҚУРИҚ ЎЛКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

АКМОЛИНСК, 14 март. (ТАСС). Қўриқ ўлка қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев қатнашмоқда.

Кенгашда Қозоғистон қўриқ ерларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари ҳақидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Бугун эрталабки мажлисда Кўкчатов областидаги «Раздольный» совхозининг сут соғувчиси М. И. Герлинская, Кустанай области Омонгелди район партия комитетининг секретари О. Қазибоев, олтойлик агроном Н. И. Чеканова, академик Т. Д. Лисенко ва бошқа кишилар сўзга чиқдилар.

Саноатни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга бағишланган регионал координация кенгаши

14 мартда Тошкентдаги Олимлар уйида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон машинасозлик ҳамда электротехника саноатида ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга бағишланган регионал координация кенгаши очилди. Кенгашда СССР Фанлар академияси, СССР Давлат иқтисод комиссияси, республикалар фанлар академиялари, планлаштириш органлари, халқ хўжалиги кенгашлари, олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Кенгаш икки кун давом этади. (ЎзТАГ).

«В. И. ЛЕНИН — ҚИСҚА БИОГРАФИК ОЧЕРК» КИТОБИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Ўзбекистон давлат нашриёти «В. И. Ленин — қисқа биографик очерк» номли китобни ўзбек тилида 100 минг нусхада босиб чиқарди. Китоб КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Коммунистик партия тарихи институти томонидан таржима қилинган. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VIII чақириқ биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни кекса депутат Е. К. Мўминов очди. Сессия қатнашчилари депутат П. В. Каймаковни сессияга раис ва депутат Х. Алимовни секретарь килиб сайладилар.

Мандат комиссияси сайланди ҳамда сессия бу комиссия раиси ўртоқ Е. А. Гоцкевичнинг докладини тинглади ва тасдиқлади.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Сессия қатнашчилари депутат Мажид Рахимович Расуловни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси килиб сайладилар. Шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари килиб депутат П. М. Сазонов сайланди. П. И. Самойленко, С. А. Раҳматхўжаева ўртоқлар раис ўринбосарлари килиб сайландилар. Депутат С. Б. Норқўзиев ижроком секретари килиб сайланди.

Шаҳар Совети ижроия комитети аъзолигига П. В. Каймаков, С. А. Харьковский, А. Н. Назиров, Н. П. Пискорская, Л. О. Назарьянц, А. Т. Тошматов ўртоқлар сайландилар.

Сессияда шаҳар Совети ижроия комитети бўлимларининг мудирлари, бошқарма ва трестларнинг бошлиқлари тасдикланди. Депутат С. А. Харьковский — шаҳар план комиссиясининг раиси, А. Н. Назиров — шаҳар молия бўлимининг мудири, О. Т. Тожиев — шаҳар халк маорифи бўлимининг мудири, М. Орипова — шаҳар социал-таъминот бўлимининг мудири, В. Ю. Шомирзаев — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, А. Д. Рафиқов — ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири, Қ. М. Мўминов — шаҳар ободончилик бошқармасининг бошлиғи, Х. Х. Донская — шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи, А. А. Сутягина — шаҳар жамоат умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи, А. Т. Тошматов — шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи, М. С. Тожибоев — шаҳар статистика бошқармасининг бошлиғи, Н. П. Кузнецов — шаҳар саноат бошқармасининг бошлиғи, В. Муҳамедов — шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи, Е. Я. Черепанов — шаҳар капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи, М. С. Булатов — шаҳар архитектура-планлаштириш бошқармасининг бошлиғи, М. И. Хўжаев — «Водоканал» трести бошқарувчиси, Т. Р. Расулев — меҳмонхона-ҳаммомлар трести бошқарувчиси, К. Т. Турсунов — шаҳар трамвай-троллейбус трести бошқарувчиси килиб тасдиқландилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 13 та доимий комиссияси ташкил этилди: маиший хизмат кўрсатиш бўйича (раиси В. П. Белий), маданий-оқартув ишлари бўйича (раиси Қ. Қ. Узоқов), социалистик қонунчилик бўйича (раиси А. А. Поспелов), молия-бюджет бўйича (раиси Г. И. Дорошенко), коммунал-хўжалик ва ободончилик бўйича (раиси С. Х. Хусаинов), савдо бўйича (раиси А. А. Осипова), уй-жой бўйича (раиси З. С. Туренко), халқ маорифи бўйича (раиси М. Ф. Прасолов), қурилиш бўйича (раиси Р. А. Саркисова), транспорт ва алоқа бўйича (раиси А. П. Троицкий), саноат бўйича (раиси Г. А. Винокуров), соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот бўйича (раиси С. А. Масумов), физкультура бўйича (раиси И. В. Прохожай).

Сессия ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ўртоқлар қатнашдилар.

КПСС МК январь ПЛЕНУМИНИНГ КАРОРЛАРИНИ амалга оширамиз!

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпайтириш учун ҳозирдан зарур тадбирларни амалга оширайлик!



Суратда (чапдан) старший инженер Игорь Александрович Рябов ва группа бошлиғи Владимир Борисович Хрампронин ўртоқлар ўзи юрар шассини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

Мусобақадош колхозларда

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» ҳамда Сталин номли колхоз пахтакорлари ўзаро социалистик мусобақа бошлашган. Лекин, Сталин номли колхоз меҳнаткашлари кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда орқада қолмоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхозининг азамат пахтакорлари ўтган йили 1042 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар ўтган йил қўлга киритган ютуқларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирдан ишни қизитиб юбордилар. Колхознинг моҳир механизаторлари мавжуд 40 та ҳар хил трактор, 30 та сеялка, 120 борона ва бошқа механизация воситаларини сифатли ремонт қилиб қўйишган. Маҳаллий ўғит мўл ҳосил гарови эканини яхши билган колхоз аъзолари далага 11 минг тонна гўнг ташиб чиқардилар.

Сталин номли колхозда иш бошқача. Бу колхоз пахтакорлари ўтган йили планни бажаролмаган эдилар. Шундай бўлишига қарамай, йўл қўйилган хатолардан тегишли хулоса чиқариб олинмаётир. Ҳозирги долзарб кунлар қўлдан бой берилянти. Мавжуд 31 трактордан 25 таси, 28 сеялкадан 12 таси ремонт қилингап. Далага эндигина 5 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

Сталин номли колхоз пахтакорлари ишни қизитиб юбориб, мавжуд резервлардан тўла фойдаланмасалар, бу йил ҳам ўз мусобақадошлари олдида уялиб қолалилар.

М. ЖОНИҚУЛОВ.

Имкониятлардан фойдаланиб

— Ҳа, ука, фермамизни кўргани келибсиз, марҳамат. Бу молхонани 1959 йилда қурганмиз,—деди раис.

Ферма ичи озода, ҳаммаёқ электрлаштирилган, сағрилари ялтираб турган сигирлар ҳам, уларнинг таглари ҳам покиза. Ферма саҳнида ортиқча нарса кўринмайди.

Оқ халат кийиб, оқ дурра тангиган аёллар, ёш-ёш қизлар ҳали уёққа — ҳали буёққа ўтишади. Истараси иссиқ, ўрта бўйли қиз сигир соғувчилар билан жиддий сўзлашади, бир хилларининг кулиб елкасига қоқиб қўяди.

— Колхозимизнинг энг илғор сут соғувчиси Раъногон Бўронбоева шу киши бўладилар,— деди раис ҳалиги қизни кўрсатиб.—Барака топгур жуда меҳнатсевар-да, бир ўзи 15—20 сигирни боқади. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 4150 литр ўрнига 4500 литрдан сут соғиб олди. Бу йил КПСС XXII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ҳар сигирдан беш минг литрдан сут олишга аҳд қилган.

— Ўтган йили колхозда сут плани бажарилдими?

— Мажбуриятимиз 210 тонна эди, 244 тонна сут топшириб, уни ошириб бажардик. Фақат сутгина эмас, гўшт, тухум, сотиш планини ҳам ортиғи билан адо этдик. Ҳозирги кунда давлатга топшириш учун 65 та қорамолни бўрдоқига боқаяпмиз.

Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари бу йилги гўшт, сут, тухум топшириш мажбуриятларини КПССнинг XXII съезди чақириладиган кунгача бажаришга аҳд қилганлар. Бунинг учун уларда барча имкониятлар бор.

Ш. МИРАҒЗАМОВ.

Экин турларини планлаштиришда шароит ҳисобга олинсин

Колхозимиз аъзоларининг умумий йиғилишида КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини атрофлича муҳокама қилиб, хўжалигимизни бундан кейин юксалтиришда нималарга эътибор қилиш кераклигини белгилаб олдик. Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сабзавот ҳосилини ошириш тадбирлари кўриб чиқилди. Бригадалар йириклаштирилиб, комсомолёшлардан иборат звенолар ташкил этилди. Комсомол-ёшлар чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчиликнинг энг қолоқ участкаларига бориб ишлаш ташаббусини бошлаб бердилар. Ёшларнинг бу ташаббуси, шубҳасиз, колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришда янги муваффақиятларга олиб келади.

Бу йилги режаларимиз тўғрисида гапиришдан олдин ўтган йилги баъзи ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз тўғрисида сўзламоқчиман.

Ўтган йили бизда давлатга гўшт сотиш плани 259 процент, сут — 190 процент, тухум — 127 процент, жун — 121 процент, пилла— 119 процент бажарилди. Бироқ сабзавот экинлари етиштириш топшириғини бажара олмадик. Ҳар гектаридан атиги 4 тоннадан картошка, 12 тоннадан помидор ҳосили йиғиб олдик. Шундай қилиб, сабзавот плани атиги 74 процент бажарилди. Бунинг сабаби нимада?

Дастлаб, ўзимиз йўл қўйган камчиликларни айтиш лозим. Биз мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмадик. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилмади, ерни кўпроқ ўғитламадик, техникадан унумли фойдаланилмади. Лекин шундай камчиликлар ҳам содир бўлдики, бу бизнинг эмас, кўпроқ қишлоқ хўжалик экинлари экишни планлаштириш тўғрисида топшириқ берувчи органларнинг айби билан бўлди десак, янглишмаймиз. Демоқчиманки, бизда кўпинча экин турлари юқоридан планлаштирилади, маҳаллий шароит ва имконият тўла ҳисобга олинмайди.

Бизнинг колхоз тоғ бағрига жойлашган, ерларимиз ҳосилдор. Меваор боғлар яратиш, сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш имконияти бор. Лекин сув ресурсларимиз чекланган бўлиб, бу имкониятлардан фойдаланиш ниҳоятда оғир. Бизда йирик гидротехника иншоотлари йўқ. Фақат кичик сойлардан оқиб келувчи сувдан фойдаланиб, боғ ва экинзорларимизни суғорамиз. Бу сойларда март, апрель, май ойларида сув кўпайса ҳам, июнь-июль ойларида сув ниҳоятда камайиб кетади. Натижада авжи ҳосилга кирган экинларимиз, боғларимизни сув билан тўла таъминлайолмай қоламиз. Колхозимизда 763 гектар суғориладиган экин майдони ва боғ бор. Ўтган йили 80 гектар ерга картошка, 120 гектар ерга сабзавот экилди. Бултур сув ҳар қачонгидан кўп бўлишига қарамай, барибир бу экиндаримизни сув билан сифатли таъминлай олмадик. Сабзавот экинлари кўпи билан уч-тўрт марталаб сув ичди. Натижада экин сарғайиб, ҳосили бутунлай камайиб кетди. Ҳар гектар картошкадан 4 тоннадан, помидордан 12 тоннадан ҳосил олдик. Ҳар гектар ерга 2,5—3 тоннадан уруғлик картошка сарф этилгани, унинг ҳар бир килограмми бир сўм 20 тийин, бир сўм 50 тийиндан тушганини, етиштирилган янги картошка ҳосили эса 70 тийиндан сотилганини ҳисоблаб чиқсак, бизнинг сабзавотчиликдан қанчалик зарар кўрганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Шунингдек, ўтган йили сув етишмаслиги натижасида бир гектар ерга экилган бодрингдан фақат 400 килограмм ҳосил олдик. Ахир, бу йил бўйи шу экин учун сарфланган меҳнатнинг ўндан бирини ҳам қоплармайди! Сувнинг борини кўпроқ сабзавотга ажратганимиз туфайли боғдорчиликдан олинадиган ҳосил ҳам анча пасайиб кетди. Янги боғларни ҳам етарлича яхши парвариш қила олмадик. Мен бу билан, колхозимизда сабзавот экинларидан юқори ҳосил олишнинг имконияти йўқ, демоқчи эмасман. Биз ҳамма вақт ҳам шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб ҳисоблаймиз. **Лекин сабзавот экинлари учун ер ажратиш масаласига оқилона, шароитни ҳисобга олиб ёндошиш керак, деб ўйлайман.** Бу йил юқоридан берилган планда сабзавот экинлари майдони ўтган йилдагига қараганда кўпайтирилган. Ваҳоланки, бу йил сувнинг ўтган йилдагига қараганда янада кам бўлиши кутилади. Демак, экинларни етарли даражада сув билан таъминлашда қийинчилик кўп бўлади. Бу нарса бизни ҳозирданоқ жиддий ташвишга солмоқда.

Бундай мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ҳар йили картошка экиладиган майдон имкониятлар ҳисобга олинмай кенгайтирилаверса, сувсизлик натижасида экилган уруғдан ҳам кам ҳосил олинса, кимнинг фойдаси-ю, кимнинг зарари? **Менинг фикримча, бизнинг шароитимизда сабзавот етиштиришни кўпайтиришда экин майдонларини кенгайтиришдан олдин сув муаммосини ҳал қилиш керак.** Бизнинг шароитимиз кўпроқ шуни тақоза қилади. Ўтган йили колхозимизда икки гектар ердаги картошкага беш марта, яъни бошқа ердаги картошкаларга қараганда икки марта ортиқ сув қўйилди. Шу участкадан 4 тонна эмас, 6,5 тоннадан ҳосил олинди. **Агар биз ҳар гектар ердаги картошкани зарур миқдордаги сув билан таъминлаб, 10—12 марта суғорсак, гектаридан 6,5 тонна эмас, балки 14—15 тонна ҳосил олишимиз мумкин. Агар колхозимизда картошка учун ажратилган ер майдони 80 гектардан 40 гектарга келтирилса, экинга тўрт марта эмас, 8—9 марта сув қўйиш имкониятига эга бўламиз. Натижада нормал сув билан таъминланган 40 гектар ердан нормал сув билан таъминланмаган 80 гектар ердагидан кўп миқдорда картошка етиштира оламиз.** Бошқа сабзавот экинлари тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш керак. Сўнгра қолган еримизга сув кам талаб қиладиган уруғлик беда ёки арпа билан бедани аралаштириб экишимиз, бу билан эса чорвачиликнинг ем-хашак базасини яна ҳам мустаҳкамлашимиз мумкин бўлади. Бу йил давлатга 100 тонна гўшт, 180 тонна сут, 12 тонна жун сотишимиз лозим. Ана шу мажбуриятларни бажаришда ем-хашак базасининг мустаҳкамланиши катта роль ўйнайди. Бояги айтганимиздек, уруғлик беда кам сув талаб қилади ва бизнинг шароитимизда юқори ҳосил беради. Ўтган йили 100 гектар ерга экилган уруғлик беданинг ҳар гектаридан планда кўрсатилган 1800 килограмм ўрнига 2000 килограммдан уруғлик олинди.

Хўжаликни ривожлантиришдаги бизнинг баъзи бир мулоҳазаларимиз шулардан иборат. Агар сув етарли бўлса, биз ўзимизнинг мавжуд ички имкониятларимиздан тўла фойдаланамиз, бу йил янги ютуқларни қўлга киритиш учун тинмай курашаверамиз.

Н. ГУЛМАТОВ.

Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг ранси.

КОНСТРУКТОРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ ИШ УСТИДА

ЯНГИ МАШИНАЛАР БУНЁДГА КЕЛАДИ

1. ҚУЗИВОЙНИНГ ЭЪТИРОЗИ

„Пахта териш машинаси учун ҳам шасси ясаб бериш керак, чунки бу машина ҳам йилда фақат икки ой ишлаётир“.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

У шошиб саройга кирди-ю, лекин бирдан бу ерга нима учун келганлигини эслай олмади. «Товба, бу нимаси, ҳалитдан менга нима бўлди!»—кўнглидан ўтказди у. Аммо саройининг нариги четида бир текисда саф тортиб турган терим агрегатларига кўзи тушиши билан ҳаёлини бошқа бир нарса олиб қочди. Қўзивой улар оллига яқинлашди. Устини тўрт энлик ранг қоплабди. Худди бу ҳаворанг кемаларни энди кўраётган ёш боладек ҳали у ерига, ҳали бу ерига қизиқсиниб боқди. Шу пайт колхоз раисининг механизация бўйича муовини саройга кирди, кирди-ю Қўзивойнинг қолатини кўриб, унга тикилганча қақайиб қолди. «Таажжуб, нима қилянти экан шу топда терим машиналари олдида?»—унинг кўнглидан шу гаплар ўтди.

—Қўзивой, бу дейман ерга чигит тушмасдан пахта териш машиналарига тикилиб қолибсиз, тинчликми ўзи?

— Ҳа, шунчалик бир хаёл олиб қочди.

— Хаёлингиз қочадиган вақтдан ўтгансиз-ку, нима экан у сизни мафтун қилиб қўйган, агар сир бўлмаса...

— Шу дейман, ўртоқ инженер, кўп машина яратишди-да, ҳалиги... конструкторларимиз. Ҳа демай икки букилиб пахта терадиган киши қолмаса ҳам керак. Бу ёғига тан берамиз, аммо лекин шу бир томони ҳам бор-да, шуниси менга ёқмайди...

—Ҳай Қўзивой, оғзингизга қараб гапиринг, биров эшитиб қолмасин, «мана бизда ҳали ҳам консерватор бор экан» деб юришмасин тағин,— ҳазиллашди инженер.— Бутун эл-юртга маъқул тушганда, ҳамма тасанно ўқиганда сизнинг «менга ёқмаяпти» деганингиз нимаси?

— Ие, қўйинге, лоф ҳам эви билан-да, «берди»сини эшитинг. Биз ҳам бултур кузда шу азамат туфайли хирмонга 130 тоннани ағдардик. Отасига раҳмат дедик, буни яратганларга. Мана энди шу топда уларга тикилиб турибмиз, кўнглимга бир гап келди: «сенлар билан энди қачон учрашаман» деяпман.— Қўзивой худди севган улоқчи отини эркалаб сағринини силаган чавандоздек кафти билан машина қанотидаги чангларни сидириб тушира бошлади.— Зап машина-ку, аммо баъзи ота-оналарнинг эркатойларига ҳам ўхшаб кетади.

— Нега энди?— қизиқсиниб сўради инженер.

— Нега деганда йил ўн икки ой мобайнида жуда нари борса олтмиш кун ишлайди. «Энди буёғи бизники» дейди-ю, уч юз кунгача безрайиб тураверади. Мана шуниси менга ёқмайди. Ахир, айтишга осон, битта машина палон пул туради.

«Гапнинг тагида гап бор деганларидек, ҳамма гап буёқда экан-да» — ўйлади раис муовини. Оддий бир механик-ҳайдовчи шу ҳақда бош қотирянти. Э, офарин! Инженер ҳам ўйланиб қолди. Ўйласа, арзийдиган гап-да.

— Сизнингча қандай бўлса яхши?—сўради бироз сукунатдан сўнг раис муовини. Инженернинг бу саволи Қўзивойни хаёл сурдириб қўйди, у нима деб жавоб беришини билмай, анчагача жим қолди.

— Ҳа энди биз нима ҳам дердик,— Қўзивой тутилиб-тутилиб жавоб берабошлади.— Катта пул сарфлаб олгандан кейин машина деган бетиним ишлайверса, саройда жой ўғирлаб, чанг босиб ётмаса. Шу дейман, машинанинг моторидан бошқа ишларда фойдаланса бўлмасмикин?

— Сиз ўйлаган машиналар ҳам бўлади. Ҳа, албатта бўлади,— деди ишонч билан инженер.— Ахир ҳали яқиндагина «пахтани машина терадиган бўлармиш» дейишарди. Мана энди буни ҳамма кўриб турибди. Шундай ажойиб машинани яратган конструктор ва олимларимиз сизнинг кўнглингиздагисини ҳам яратиб берадилар. Мана мени бир айтди дерсиз.

Қўзивой саройдан оладиган нарсасини ҳам унутиб, янги хаёлларга ғарқ ҳолда далага қараб йўл олди.

II. КАТТА ЙИҒИНДАН КЕЙИН

Қўзивойни ўйлантириб қўйган фикр бошқа кишиларни, айниқса машина яратувчи мутахассисларни кўпдан бери ўзига жалб қилиб келаётган эди. Бу масалани ҳал қилиш йўллари ўрганилаётган ва ҳатто кўпчилик ўртасида бир фикрга ҳам келинган эди. Ўзиюрар шасси яратиш керак — конструкторлар шундай қарорга келишганди. Давр тақозаси, ҳаёт талаби билан туғилган бу янги фикрни амалга ошириш соҳасида дастлабки ишлар бошлаб юборилганди.

Партиямиз Марказий Комитети январь Пленуми қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг аниқ ва равшан йўлларини белгилаб берди. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш — мўл-кўл ва арзон маҳсулотлар етиштиришнинг энг тўғри йўли деб кўрсатилди. Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев ўша қадимий Москва Кремлининг Катта Саройида бўлган улкан йиғиннинг мўътабар минбаридан туриб сўзлаган нутқида бундай деган эди:

«Пахта териш машинаси учун ҳам шасси ясаб бериш керак, чунки бу машина ҳам йилда фақат икки ой ишлаётир. Менингча, инженерлар ва конструкторлар шундай машина яратиб беришлари мумкин. Биз пахта теришда қўл меҳнатини сиқиб чиқаришимиз керак, ўртоқлар. Агар биз қўл меҳнатини сиқиб чиқарсак, пахта теришни анча тезлаштирган бўламиз, бинобарин, ҳосилдорликни ошириш учун яхшироқ шароит яратиб берган бўламиз. Колхозлар ва совхозлар кузда ерни барвақт шудгор қилиб қўядиган ва келгуси йил ҳосили учун яхши истиқбол вужудга келтирадиган бўлиб қоладилар».

Демак, ҳосилдорликни оширишда ўзиюрар шассининг роли жуда катта экан. Никита Сергеевичнинг ана шу кўрсатмасидан кейин конструкторларимиз ўз ишларини, имкониятларини қайтадан кўриб чиқилар.

— Ўзиюрар шасси яратиш соҳасида олиб борилаётган ишларни бутун чоралар билан тезлатиш зарур.

Тошкентдаги пахта териш машиналарини лойиҳалаштирувчи давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи Пленум қарорларини муҳокама қилгандаридан сўнг ана шундай якдил хулосага келишди. Бу ажойиб машина илгари мўлжалланганидан бир йил олдин кўплаб ишлаб чиқарила бошланади. Машинанинг ишчи лойиҳалари ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр бўлиб қолди. Конструкторлардан группа раҳбари В. Хромпронин, старший инженер И. Рябов ва етакчи конструктор Ю. Гроховский ўртоқлар пахтакорларимизнинг кўпдан бери қилиб келаётган орзуларини рўёбга чиқариш йўлида катта ижодий иш олиб бормоқдалар.

Хўш, ҳозирча конструкторларимизнинг чизма қоғозларида бунёдга келаётган янги машинанинг афзалликлари нимада?

Фараз қилинг, сиз пахта даласидасиз. Ерни бороналаш керак. Бунинг учун шассига борона тиркаладик. Марҳамат қилиб бемалол ишлайберинг. Сўнгра унинг ўрнига сеялка осилади. Чигитни экаверинг. Чеканка қиласизми, культивация қиласизми, бу ишни шассидаги асбобларни алмаштириш билан бемалол амалга ошираберишингиз мумкин. Кимё аппаратураларини оссангиз, машина чанглагич-пуркагичга айланади. Унга пўлат тумшуқ ўрнатиб, бульдозер сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бирорта юкни ташиш зарур бўлиб қолса, прицепни тиркаб, йўргалаташ ҳеч гап эмас.

Пахта териш мавсуми келдию, энди нима қилиш керак? Ташвиш тортманг, янги машина бу мушкулингизни ҳам осон қилади. Шассига бункер, шпиндель аппаратлари, пневматик механизмлар ўрнатилади. Бунинг учун кўп деганда икки соат вақт керак. Қарабсизки, пахта териш машинаси тайёр. Гумбуллатиб ишлатаверинг. Хуллас, бу янги машина деҳқонларнинг минг бир мақомига бемалол юрғалайберади. Жоннинг роҳати деяберинг.

Шассилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан кейин ўзиюрар пахта териш машиналари тайёрлашга эҳтиёж қолмайди. Бу янгинакам универсал машина ҳозирги машҳур «ХВС»имизга қараганда бир ярим баравар илдамроқ ҳаракат қилади. Шассига ўрнатиладиган бункернинг ҳажмини ҳозирги «ХВС»лардаги бункерга нисбатан икки баравар катта қилиш мўлжалланмоқда. Лекин шунга қарамай, унинг вазни ҳозирдагисига қараганда анча енгил бўлади. Пахта теруувчи аппаратларнинг вазнини ҳам енгилатиш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, ўзиюрар шасси машиналар ишлаб чиқарадиган корхонага ҳам, шунингдек, колхоз ва совхозларга ҳам жуда катта иқтисодий фойда келтиради.

И. СУЛАЙМОНОВ.

Иш бошидан пухта бўлмоқда

Мирзаодил ака бригадаси ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Нега шундай бўлди? Кузги шудгор вақтида ўтказилмади. Далага кам миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Гектарларда кўчаларнинг нормал қалинликда бўлишига эришилмади.

Бригада аъзолари ўтган йили ҳосил йиғиб-терив олиниши биланоқ 1961 йил ҳосили учун пухта замин тайёрлаш ишига киришдилар. Шудгор барвақт 30—35 сантиметр чуқурликда ўтказилди. Қурғоқчилик ҳисобга олиниб барча майдонларга яхоб берилди, ерда етарли нам тўпланишига эришилди. Ҳозир 140 гектар ернинг ярмидан кўпи планировка қилиниб, экишга тайёрлаб қўйилди. 300 тоннага яқин маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарилди.

Бригаданинг азамат кишилари барча сув йўлларини ҳам тозалаб, мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

Экишни сифатли ўтказиш ва барча майдонларда кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш биринчи навбатда механизаторларга, техниканинг қай даражада шай қилинганлигига боғлиқ. Бригада аъзолари бунга яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам биркитилган 2 та универсал сифатли ремонт қилиниб, сеялкалар тиркаб қўйилди. Экипаж аъзолари амалий машғулотларни бошлаб юбордилар.

Дала ишларини кўнгилдагидек бажаришда Усинбой Суюнов, Чегабой Абдуллаев, Абдулла Пардаев, Ғойиб Абдураҳмонов ўртоқлар каби бригаданинг азаматлари ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

— 140 гектар ернинг 80 гектарига режа симлари тортиб чигит экамиз, барча майдонлардаги ғўзалар икки томонлама ишланади. Бу йил гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилганмиз,— дейди бригада бошлиғи Мирзаодил ака Ҳамдамов. Ҳозирги тайёргарчилик бригада аъзоларининг сўзлари билан ишлари бир эканлигини кўрсатиб турибди.

Н. МАДАМИНОВ,

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхоз.

Ардоқлайман қашқам сени, говмуш бўлсин деб,
Елинларинг тирсиллабон сутга тўлсин деб.
Устираман дуркун қилиб, сени авайлаб,
Мириқиб ич она сутинг, ич яйраб-яйраб.

А. Абалян фотоэтюди.

ТАРАДДУД

Биз совхознинг 2-бўлими теплицасига кирганимизда, совхоз ишчиларининг бири кўк барра пиёзларни боғлаётган бўлса, иккинчиси теплицада қип-қизариб ётган помидорларни терар, учинчиси оқ ва қизил турдаги редискаларни боғ-боғ қилиб тўплар эди. Сабзавотлар худди ёздагидек ғарқ пишиб ётибди.

— Шу кунгача, — дейди теплица бригадири ўртоқ Обиджон Ҳасанов, — пойтахт аҳолиси учун 125 килограммга яқин укроп, 80 килограмм редиска, 900 килограмм кўк барра пиёз юбордик. Теплицадан ҳар куни 6—8 килограммдан помидор ҳосили йиғиб олаяпмиз.

Оржоникидзе районидаги XXI партсъезд совхози ишчилари баҳорги ишларга ҳам қизғин тайёргарлик кўраётирлар. Теплицадаги майдонларга сепилган 6 килограмм сабзи, 10 килограмм пиёз, 3 килограмм лавлаги, 3,5 килограмм помидор ва 10 килограмм карам уруғлари текис ундириб олинди. Бу ишда совхознинг Ҳадича Пўлатова, Рихси Тошкенова, Маъфират Қурбонова, Раҳима Абдураҳмонова сингари аъзолари, айниқса яхши ишламоқдалар. Булар чиринди туғакча тайёрловчи машинада шу кунгача 500 мингдан ортиқ кўчат ҳозирлашди.

С. ЕҚУБОВ.

Партия ташкилоти секретарларининг семинари

Яқинда Бекобод шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг навбатдаги семинарини ўтказди. Унда КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини кенг пропаганда қилиш ва кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўриш тўғрисида шаҳар партия комитетининг секретари Г. Кретов, партиявий-ташкилий ишларни янада яхшилаш тадбирлари ҳақида шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири П. Кушеров ўртоқларнинг докладлари эшитилди.

Шунингдек, семинарда партиямиз Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини партия маорифи системасида ўрганишни кенг йўлга қўйиш ҳақида ўртоқ С. Мокиннинг инструктив доклади тингланди.

Дзержинский номли колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари Белкин, цемент комбинати партия бюросининг секретари Жабборов ва бошқа ўртоқлар кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш соҳасидаги ўз иш тажрибаларини сўзлаб бердилар.

М. МИРСОАТОВ.

Кўмир чиқариш кўпайди

ОҲАНГАРОН, 14 март. (ЎзТАГ). Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Оҳангарон кўмир разрезини реконструкциялаш бош плани амалга оширилди. Кўмир чиқариш учдан бир баравар кўпайди.

Кончилар янги кўмир қатламларини очиб, шу йилнинг ўзидагина 1.400 минг кубометрга яқин тош-тупроқни чиқариб ташладилар. Оҳангарон кончилари жонажон Коммунистик партиянинг съезди шарафига мусобақалашиб, ҳозирдаёқ истеъмолчиларга пландан ташқари 35 эшелон тош кўмир жўнатдилар.

УЙДА ЁШ ТЕХНИКЛАР СТАНЦИЯСИ

Тошкентнинг Урицкий кўчасидаги кўпквартирали 7-уйни кўпинча Коммуна уйи деб атайдилар. Бу ерда яқинда болалар техника станцияси очилди. Республика ёш техниклар станцияси уни оталикка олди: болаларга асбоблар, хилма-хил деталлар намунаси ўрнатилган стендлар совға қилди. Пионерларнинг ўзлари ҳам устаханаларни жиҳозлашга катта ҳисса қўшдилар.

Коммуна уйида яшовчи инженер И. Романов болаларнинг яқин ёрдамчисига айланди. Унинг раҳбарлигида кема моделли, авиамодель ва дурадгорлик-конструкторлик тўгаракларни ташкил қилинди. Мактаб ўқувчилари бўш вақтларида моделлар ясайдилар.

Тўгарак аъзолари шу уйда яшовчиларнинг мебелларини ремонт қилиб бермоқдалар. Энг уст дурадгор бўлиб қолган Обид Ҳакимов ва Алим Расулов саккизта стул, бир неча стол ва шкафларни тузатиб бердилар.

Тўгаракка қўшни уйлардаги мактаб ўқувчилари ҳам ёзилаётир. Ҳозир бу ердаги техника станциясига 40 бола қатнаб турибди. (ЎзТАГ).

Ўзимизнинг Жамила опа-ку!

Телефон бирдан жирингдаб қолди.

— Алло, ҳа, ҳа, мен эшитаяпман,— жавоб берди зоотехник Лебедкова.— Жўжалар очиб чиқа бошлади деяпсизми, хўп, мана ҳозир етиб борамиз...

Анна Димитровна очиқ календарнинг оппоқ саҳифаларига қандайдир рақамларни тез-тез ёзди-да, ўрнидан туриб, стол устида тартибсиз ёйилиб ётган қоғозларни йиғиштириб тортмага солди.

— Ўзи ҳар йили шунақа бўлади,— деди Анна Димитровна бизни бир оз куттириб қўйганидан ҳижолат бўлиб,— жўжа очириш мавсуми бошланган кунларда бош қашишга ҳам вақт бўлмайди. Бу галгиси, чамамда бизни анча шошириб қўядиганга ўхшайди. Нега десангиз, бу йилги мажбуриятимиз жуда катта. Камида 70 тонна парранда гўшти етказиб беришимиз керак. Бу бир. Иккинчидан, 2 миллион 400 минг дона тухум тайёрлаб беришни ҳам ўз зиммамизга олдик. Бунинг устига хўжаликларга жўжаларни ўз вақтида сотиб турмасак бўлмайди. Навбат кутиб қолишади. Инкубация цехидагилар тиним билишмаяпти. Ҳимматларига балли уларнинг. Ҳозир шу цехдан қўнғироқ қилишганди. Инкубаториянинг иккинчи навбатидан жўжалар очиб чиқабошлади. Бизни чақиришаяпти...

Цехда меҳнат авжида эди. Айрим операторлар яшикчаларга тартиб билан терилган тухумларни инкубаторинга жойлаштирар, нариги инкубаториядан эса тухумни янги очиб чиққан жўжалар кўшни хонага узатиларди.

— Анави жувон энг илғор ишчимиз.— зоотехник сочларини бошига чамбарак қилиб олган аёлга ишора қилди. Оқ халати ўзига ярашиб тушган бу аёл янги очиб чиққан жўжаларни саралаш билан банд эди. Биз уни дарров танидик. У оператор Жамила опа Исамуҳаммедова эди.

... Ўтган йил апрелнинг ўрталарида Қорасув паррандачилик фабрикасида бўлганимизда Жамила опанинг ғайрат-ташаббусига қойил қолган эдик. Корхона жўжаларни машинага ортиб, колхозларга тарқатарди. Шу пайт нима бўлди-ю, фабрика директори С. Тўрабеков ўрта яшар бир кишини бошлаб Жамила опа ёнига келди. Аёл директор ёнидаги кишини таниди. У Пискент районидаги Ворошилов номли колхоз фермасининг ходими эди. У Жамила опа билан негадир совуққина сўрашди. Директорнинг ҳам, ферма ходимининг ҳам авзойи бузуқ. Бир гап ўтганга ўхшайди. Кўнгилсиз бахс асорати уларнинг башараларидан ҳали ўчмаган эди.

— Операторингизга тушунмадим. Қанақа одам ўзи?— бояги киши гўё бу иш учун Тўрабеков айблидай унга жаҳл билан гапирарди.— Нуқул нимжон жўжаларни бериб юборишибди. Кеча эшитсам, кўпи ўлиб қолибди. Қолганлари ҳам жонсарак. Колхознинг пули кўчада қолгани йўқ. Гапнинг қисқаси шу: «Пулни нақд қайтариб берасиз, ёки соғлом жўжалардан олиб кетаман...»

Бу гапни эшитиб, Жамила опанинг аъзойи-бадани титраб кетди. Юзидаги табассум сидириб ташлангандай бирдан ўчди-қолди. Унинг юзини совуқ тер босди. Лекин у ўзини дарров тутиб олди.

— Жўжаларни қабул қилиб олган кунингиз ҳаво қандай эди?— сўради Жамила опа ўртага тушган жимликни бузиб.

— Қандай бўларди, салқин эди.— жаҳл билан жавоб берди ферма ходими.— Нима, айб ўзингизда демоқчимисиз! Йўқ...

— Ҳовлиқманг, ука,— деди Жамила опа гапни ётиги билан тушунтириб.— Олиб борган кунда жўжаларга дон берилдими? Менга шуни айтинг?

— Кеч бўлиб қолган эди, билмадим, дон беришдими йўқми, — бояги киши иккиланиб колди. Кейин шошилиб сўради: — Нима эди?

— Кизиқ. «Нима эди эмиш», — деди опа. — Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Она чалокни нега эмизади? Мадор бўлсин деб... Жўжалар ҳам бамисоли гўдакка ўхшайди. Вактида мадор бўлдиган овкат бермасангиз, уни иссик тутмасангиз, ўлиб колиши ҳеч гап эмас. Каровсиз колгач уймалашиб бирини-бири босиб янчиб, димикиб ўлаверганда.

Ферма ходими ортини очолмай колди.

Ана ўшанда Жамила опанинг паррандаларга канчалик меҳр кўйгани, ўз касбининг мохир устаси эканини сезган эдик.

Нега товуқбоқарнинг паррандага ишки тушиши мумкин эмас? Ахир соҳибкорнинг боққа ишки тушади-ку! Бог айланиб юриб, ўз меҳнатининг самарасидан завқланаётган соҳибкорни кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Етти хазинанинг бирини яратувчилар завқ-шавкининг шу боғбон қувончидан нима фарқи бор. Паррандачиликни юксалтириш учун кураш қайси меҳнат фронтидан қолишади. Ҳа, эй-юрт тўқ бўлсин, парранда гўшти сероб бўлсин, тухумлар кўпайсин деган олий ният билан меҳнат камарини маҳкам боғлаган товуқбоқарлар касби ҳам шарафли касб!

Жамила опа қалбида бу касбга нисбатан пайдо бўлган учкун аланга олганига мана 13 йил бўлди. Ҳа, ўшанда фабрика ўрнида кичкинагина паррандачилик станцияси мавжуд эди. Ана шу кичик станция юксалиб, катта бир сертармоқ хўжаликка айланди. Эндиликда ўрдак, ғоз ўстирилаяпти. Паррандаларнинг наслдор турлари кўпайтирилаяпти. Қорасув паррандачилик фабрикаси Тошкент областидаги колхоз ва совхозларни, кўпгина хўжаликларни жўжа билан бемалол таъминлай олади.

Энг муҳими, бу ерда Жамила опа сингари моҳир товуқбоқарлар сафи янада ўсди, кенгайди. Вера Верешчагина, Мария Катаева, Мария Анишенколар Жамила опанинг шогирдлари. ҳамкасбларидир. Ўз касбининг ипидан-игнасигача биладиган бу ишчан операторларнинг номи ҳам донгдорлар қатори тилга олинади...

— Қўйилган тухумларнинг ҳаммаси очиб чиқяптими?— сўрадик Жамила опа ёнига бориб.

Жамила опа бошини кўтариб, бизга қаради. Таниб жилмайди.

Суратда: Жамила опа Исамуҳамедова иш устида. А. Абалян фотоси.

— Наҳотки, шунча агрегат туриб, етарли оператор бўлатуриб, бракка йўл қўйсак,— деди у қатъий оҳангда. Тўғри, аввалари унча-мунча брак бўлиб турарди. Ишимиз тўла механизациялаштирилгандан бери бу нуқсонларга чек қўйилди. «Универсал-45» аппарати ҳам чакки эмас экан. Унга бир йўла 45 минг дона тухум қўйилади. Ҳаммасидан жўжа чиқса чиқадики, очилмай қолгани кам бўлади. Қисқаси, механизацияда ҳикмат кўп экан. Унинг температурасини 27—29 градусга кўтариб қўйсангиз бас. Орадан 21 кун ўтди деганда ҳеч иккиланмай аппарат туйнукларини очасиз-у, тилла жўжаларни олаверасиз.

— Тилла жўжалар деганингиз нимаси? — қизиқиб сўрадик.

— Ажабланадиган жойи йўқ,— деди Жамила опа кулиб. — Паррандачилик сердаромад соҳа. Жўжаларнинг парваришини ўрнига қўйсангиз, ҳаражат қилган сўмингиз кузга бориб нақд гиллага айланади. Бу гапимга, ишонаверинг. Тухумга кириб оладими бўлди. Ўшанда даромадни кўрасиз.

Иш шу зайлда давом этса, чакки бўлмайди. Ҳозиргача пландаги 15-20 процент тухумдан жўжа очирилди. Шундай бўлгач, йил охиригача 975 минг товуқ тухуми, 75 минг ўрдак тухуми очириш ҳеч гап эмас Ха КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан руҳланган фабрика коллективи олтин кузак бўлганда планнинг бажарилганлиги ҳақида очиқ юз билан рапорт беради. Корхонанинг Жамила опа сингари ўтюракларининг меҳнат-ғайрати бундан далолат бериб турибди.

А. АЛИЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

«Шайхонтовур — пойтахтимизнинг серқатнов жойларидан бири,— дейилади редакциямизга келган хатларнинг бирида, — лекин бу ерда бironта ҳам телефон-автомат йўқ. Кўпинча Полиграф кўчасидаги ёки Марказий телеграф биносидаги телефонга боришга мажбур бўляпмиз».

Тошкент шаҳар телефон станциясининг бошлиғи ўртоқ Комаровнинг редакцияга хабар қилишича, ҳат юзасидан текшириш ўтказилганда унда келтирилган зътирозлар тўғри деб топилган. Шайхонтовур марказига яқин кунларда телефон ўрнатишга қарор қилинган.

Халқаро аҳвол

ОЛИМЛАРНИНГ ОСЛОДА БУЛАДИГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ДОИР

ОСЛО, 14 март. (ТАСС). 2—7 май кунлари Ослода олимларнинг халқаро конференцияси бўлади. Бу конференцияда ядро қуроли билан қуролланишни янада кенгайтиришнинг олдини олиш тадбирлари муҳокама қилинади. Норвегия жамоат, касаба союз ва илмий арбоблари группасидан иборат «13 лар группаси» вакилларининг бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида ана шундай конференциянинг чақирилиши ҳақидаги хабар эълон қилинди. Бу группа Норвегияда атом қуролининг жойлаштирилишига қарши норозилик кампанияси уюштиришда ташаббус кўрсатган эди. Конференция ташаббускорлари орасида Нобель мукофотининг лауреати америка олими Л. Полинг, таниқли инглиз жамоат арбоби Б. Рассел ва бошқалар бор.

XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ

ГАВАНА, 14 март. (ТАСС). Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, кеча қароқчи кема Сантьяго-де-Куба шаҳри яқинидаги Пунта Гордада жойлашган нефть тозалаш заводи томон яқинлашиб, бу заводга қараб ўт очган. Заводда ёнғин бошланган. Ёнғин тезда ўчирилган.

Қароқчи кема Куба территориясида жойлашган Гуантанамо ҳарбий денгиз базаси ичига кириб ширинган. Бу база Сантьяго-де-Куба шаҳридан 80 километр нарида жойлашган.

СУРАТГАРХДАГИ ФЕРМАДАН УРНАК ОЛИБ

ДЕҲЛИ, 13 март. (ТАСС). Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан Ҳиндистон ҳукуматига совға тариқасида берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик машина-ускуналари негизида Суратгархда (Ражастон штати) ташкил этилган давлат фермаси қисқа вақт ичида Ҳиндистоннинг намуна-кўргазма хорхонасига айланди. Шарқи-Жанубий Осиёда энг йирик ҳисобланган бу ферманинг далаларида бугдой, пахта, арпа, шакар қамиш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Фермадаги ҳинд ва совет ходимларининг катта муваффақиятлари мамлакатнинг бошқа районларида йирик хўжаликлар вужудга келтириш учун стимул бўлди.

Суратгарх фермасида бой иш тажрибаларини ўрганиш юзасидан махсус тузилган ҳукумат комиссияси бу ферма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг яхши мактабидир, деган хулосага келди. Комиссия Ҳиндистоннинг ҳамма штатларида ҳам механизациялаштирилган шу хилдаги фермаларни ташкил этишни тавсия этди.

Ҳиндистонда механизациялаштирилган фермаларнинг шохобчаси вужудга келтирилганида, деҳқонлар Ҳиндистон ҳукуматининг масъул ходимлари, бу ҳол оғир озиқ-овқат проблемасини ҳал қилишга ёрдам беради.

СССР УТРЕХТ ЯРМАРКАСИДА

УТРЕХТ, 13 март. ТАСС мухбири О. Пивоваров хабар беради: Бугун бу ерда халқаро саноат ярмаркаси очилди. Бу ярмаркада 29 мамлакатнинг саноат ва савдо фирмалари ҳамда ташкилотлари иштирок этмоқдалар. Бир қанча мамлакатларнинг алоҳида павильонлари бор. Совет Иттифоқи Утрехт ярмаркасининг энг катта қатнашчиси бўлиб, 15 ташқи савдо бирлашмасининг экспорт маҳсулотлари намуналарини кўрсатмоқда.

Совет павильони — ярмарканинг энг гавжум жойидир. Ярмаркага келувчилар совет кишиларининг тинч меҳнати самаралари билан гоят қизиқиб танишмоқдалар. СССР павильонининг очиқ майдони ҳамиша гавжум. Бу ерда совет автомобильсозлиги, тракторсозлиги ва қишлоқ хўжалик машиналарининг нусхалари қўйилган.

Совет Иттифоқида яратилган сатр қуядиган полиграфик машина зўр қизиқиш туғдирмоқда. Бу машина Брюсселдаги жаҳон виставкасида олтин медаль олишга муваррафф бўлган эди. Кўпгина бошқа машиналар сингари бу машина ҳам ярмаркада ишлаб турганги ҳолда кўрсатилмоқда.

Голландия ва бошқа мамлакатларнинг ярмаркага келган савдо-саноат доираларининг савдо шартномалари тузиш ҳақида совет ташқи савдо бирлашмаларининг вакиллари билан музокаралар олиб бормоқдалар.

Голландия ва бошқа мамлакатлар савдо-саноат доираларининг вакиллари совет павильони жуда яхши жиҳозланганлигини ва қўйилган маҳсулотларнинг сифати юксак эканлигини таъкидлаб ўтмоқдалар.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЧАҚИРМОҚ КЕРАК

ХАНОЙ, 13 март. (ТАСС). «Тинчлик ва бетарафлик сиёсатининг муваффакият билан амалга оширилишини таъминлаш учун даставвал Камбоджа давлатининг бошлиғи шаҳзода Сианук томонидан таклиф қилинган 14 мамлакат конференциясини чақириш керак», — дейилади тинчлик, бетарафлик, Лаоснинг миллий ҳамжиҳатлиги ва бирлиги учун кураш комитети ўзининг кечаги фавқулодда мажлисида кабул қилган резолюциясида.

«Конференция, — дейилади резолюцияда, — кенг коалиция ҳукуматини тузишга тайёргарлик кўриш тартибида халқаро комиссиянинг янги вазифаларини белгилаши лозим. Бундай ҳукумат ватанпарвар сиёсий партиялар ва турли миллатларнинг вакилларини ўз ичига олган бўлур эди».

Мажлис қатнашчилари Лаос ишларига аралашишни тўхтатишни, Американинг ҳамма қурол-яроғини, чанкайшичи шайкаларни, Жанубий Вьетнам, Таиланд ва Филиппин кўшинларини королликдан дарҳол йўқотишни Америка Қўшма Штатларидан ва уларнинг иттифоқчиларидан талаб қилдилар.

АНГОЛАГА ҚУШИНЛАР КЕЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 13 март. (ТАСС). «Индия» номли ҳафталик газета Ангола аҳолисининг Португалия ҳукмронлигига қарши яқинда ўтказилган намойишларига тўхталиб, Анголага Португалиядан икки минг солдат ва офицер юборилди, деб ёзади. Шундай қилиб, Анголадаги португал мустамлака қўшинларининг сони 20 минг кишидан ошади. Бундан ташқари, бу мустамлакада яшовчи европаликлардан ҳам бўлинмалар ташкил қилинган. Уларнинг сони 3,5 минг кишини ташкил қилади.

Португалия мустамлакачилари Анголада ҳарбий қурилишларни авж олдириб юбордилар: ҳарбий лагерлар ва аэродромлар қурилмоқда.

Португалия, деб кўрсатиб ўтади ҳафталик газета, башарти АҚШ ва Ғарбдаги бошқа иттифоқчилар мустамлака сиёсатини ўтказишда уни қўллаб-қувватламасалар, Португалия блокдан чиқади деб, НАТОдаги ўз шерикларини қўрқитмоқда. «Португалларнинг далиллари шу нарсага асосланадики,— деб ёзади провардида «Индиа» газетаси, — Ангола ва Мозамбик тез орада Ғарбнинг Африкадаги сўнгги аванпостлари бўлиб қоладилар ва бу районлар иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиш ҳамда у ерда ҳарбий базалар вужудга келтириш учун Америка Қўшма Штатларига ва Ғарбдаги бошқа давлатлар ихтиёрига берилиши мумкин».

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

✦ Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин Вьетнам хотин-қизларининг учинчи съездида қатнашган Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси делегациясини ҳамда 15 мамлакат хотин-қизлар ташкилоти делегацияларини қабул қилди. Совет ва венгер хотин-қизлари делегациялари президентга эсдалик совғалари тақдим этдилар.

✦ Ҳиндистон парламентининг таклифига биноан, Болгария Халқ мажлиси бюросининг раиси Фердинанд Козовский бошчилигидаги Болгария парламент делегацияси Деҳлига жўнаб кетди.

✦ Эрон шоҳининг таклифига биноан, АҚШ президентининг махсус топшириқлар бўйича элчиси А. Гарриман икки кунлик визит билан Теҳронга келди.

✦ Режиссёр А. Роу томонидан саҳналаштирилган «Биллур ковушча» номли совет балет фильми Дания телевиденияси орқали кўрсатилди. Копенгагенда чиқадиган ҳамма газеталар ўзларининг биринчи саҳифаларида завқли фикрлар босиб чиқармоқдалар.

Совет дирижёри, РСФСРда хизмат кўрсатган артист профессор А. Гаукнинг Мехикодаги гастроллари зўр муваффакият билан ўтди. Миллий симфоник оркестр унинг бошчилигида беш концерт берди. Бу концертларда Шостакович, Прокофьев, Рахманинов, Чайковский, Гайдн ва бошқа композиторларнинг асарлари ижро этилди. Концертлар тамошабинлар ва музика танқидчиларининг завқли баҳоларига сазовор бўлди.

(ТАСС).

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ПОЭТИК ФИКР ВА ЛИРИЗМ

Фикр ва ҳис-туйғусиз шеър пуч бошоққа, жонсиз нарсага ўхшайди. Шеърда поэтик фикр ва чуқур лиризм бўлмаса, бундай шеър китобхон қалбини тўлқинлантира олмайди. Шоир Шуҳратнинг «Кавказ дафтари»га кирган кўпчилик асарида поэтик фикр билан ҳис-туйғу бир-биридан ажралган ҳолда яшамайди. Умуман, Шуҳрат ижоди учун ҳос бўлган чуқур лиризм ва самимийлик «Кавказ дафтари» цикл шеърларида яна ҳам чуқурроқ ва тўлароқ намоён бўлган.

«Кавказ дафтари»нинг мазмунли ва таъсирли чиқишининг сабабини фақат унга материал берган Кавказ ҳаёти, у ердаги халқларнинг самимий дўстлиги, қаҳрамонона тарихи, буюк ишлари ва гўзал табиатининг ўзидангина қидириш етарли эмас. Бунинг «сири» шоир томонидан ўша нарсаларни ўзига хос равишда кўриниши ва ҳис этишининг натижасидир. Шуҳрат Шаумян ҳайкалини кўрадими, Тбилиси ёки у ердаги Грузия рамзи бўлган қиз ҳайкалини, Боку ёки Тамара қалъасини кўрадими — барибир шу ўзи кўрган ҳар бир нарсасидан қандайдир муҳим поэтик фикр топади, бу материалларнинг қалбига чуқур кириб боради. Ўша нарсаларга абадий ҳаёт ва шон-шуҳрат бахш этган фазилат нуқтасини топиб олади ва уни оригинал тасвирлайди.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, Тбилиси, Боку ва Казбек ҳақида аввал ҳам анчагина асарлар ёзилган ва бундан кейин ҳам ёзилади. Лекин ҳар бир санъаткор бу жойларнинг моҳиятини шунчагина баён қилиб қолмасдан, балки шу нарсаларга нисбатан бўлган ўз муносабатини, қарашларини, мушоҳида ва хулосаларини ҳам ифодалайди. Бусиз шоир поэтик фикр оламига янгилик олиб кира олмайди. Шуҳрат ўз шеърларида Кавказдаги тарихий жой ва ёдгорликларни тасвирлаш даражасидан юқорига кўтарилиб, янги фикрлар айтган, янги умумлашмалар ва хулосалар чиқарган. Дафъатан қараганда, «Шаумян ҳайкали қаршисида» шеърида автор Шаумян хотирасини эслаб, унга миннатдорчилик билдириш учун келгандек туюлади. Лекин, шоир унинг «қаршисида бош эгиб, тиззасини букиб», унга ўз меҳру ҳурматини айтиш билан чегараланмайди. Шоир унинг кўзида ва қалбида инсоннинг ўлмаслигини, унинг қайноқ ҳаётга нисбатан кучли муҳаббатини, мақсад ва орзусининг юксаклигини кўрада:

Кўзингга қарасам кўзингда ҳамон
Ўлмаган қалбингнинг ўти ёнади,
Кўзингга қарасам, бу ёруг жаҳон,
Бахт билан тўлганиб, минг товланади!
Кўзингда ҳаётга ҳали тўймаган
Инсоннинг кураши, муҳаббати бор.
Кўзингда ёв кўзин тубдан ўймаган,
Баҳодир жангчининг ўч, нафрати бор.

Шаумяндаги буюк мақсад учун дадил кураш иш ва ҳаётни қаттиқ севиш фазилати шоирга чуқур таъсир қилади, уни ўз орқасидан эргаштиради. Шуҳратнинг кўп шеърларига, ҳақиқий инсоннинг иши, йўли ва орзуси сира ўлмайди, деган фикр сингиб кетган. Зотан, шоирнинг «Шаумян ҳайкали қаршисида», «Хотира чашмаси» асарлари ҳам худди шу фикрни ифодалаш учун ёзилгандир.

Шуҳрат «Қиз ҳайкали» шеърида Грузия рамзи бўлган, бир қўлида пиёла, бир қўлида қилич тутган гўржи қизининг ҳайкалини тасвирлаганда ҳам худди юқоридагидек поэтик хулоса чиқаради. Шоир бу шеърда грузия халқи учун хос бўлган дўстлик ва баҳодирлик фазилатларини таранним этади. Шуҳратнинг бу шеърида ва «Кавказ дафтари»га кирган бошқа шеърларида ҳам садоқатли, самимий ва мустаҳкам дўстлик туйғулари таранним этилади.

Шуҳрат Кавказ халқларининг бой маданий ҳаётида, гўзал шаҳар ва қишлоқларида, чиройли табиати ва кадимий ёдгорликларида катта бир ҳақиқатни—инсон ақли ва қудратининг ажойиб тантанасини кўради. Казбек тоғи («Казбек» шеъри) қанча гўзал ва қанча юксак бўлмасин, инсонга етаолмайди:

Сен юксак, сендан ҳам юксакдир инсон,
Қуёшга бошингни тираб турсанг ҳам!

Шоир ўзининг «Тамара қалъаси» шеърида ер юзидаги ҳамма бойликларни, дарё ва денгизларни, шаҳар ва қишлоқларни, барча маданий ёдгорликларни яратган куч инсон қўли, унинг ақлу идрокидир деган фикрни баён этади.

О, инсон билаги, инсон билаги,
Нақадар улуғвор куч-қудратинг бор.
О, инсон идроки, инсон юраги,
Минг йиллар яшаган шон-шуҳратинг бор.

Лекин шоир бу билан чегараланмайди. «Тамара қалъаси» шеърида тоғ бағридаги ажойиб катта Тамара қалъасини эмас, балки шу қалъани яратган инсон қудратига қойил қолади ва шу «тош йўнган инсонга ташаккур» айтади.

«Кавказ дафтари»нинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, унда шоир фикри ва ғояси сув устидаги кўпикдек қалқиб юрмайди. Юзаки қараганда, шоир ўз шеърларида муҳим ижтимоий-сиёсий масалалардан йироқ тургандай, эҳтиросларнинг булоғига, табиатнинг гўзаллигига, ҳаётнинг ўзига ҳеч ҳам ҳиссиз, ҳаммасини ўзига ютиб, ҳаммасини ўзига ўхшатиб, ҳаммасини ўзига ўхшатиб, ҳаммасини ўзига ўхшат

Оржоникидзе райони марказига жойлашган Маданият уйи доим кишилар билан гавжум бўлади. Суратда: китобхонлар ўқиш залида журналларнинг янги сонлари билан танишмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

„СИЕСИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ"НИ ПУХТА ЭГАЛЛАЙЛИК

Тошкентдаги политехникум биносида 10 мартда Ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг «Сиёсий билим асослари» курсини ўрганишга бағишланган Республика семинари иш бошлади.

Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим Министрлиги томонидан ташкил қилинган бу семинарда республиканинг турли областларидан келган техникум ва билим юртларининг ўқитувчилари, директорлари ва ўқуз юрти партия ташкилотларининг секретарлари қатнашмоқдалар.

Семинарда Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан ва мактаблар бўлимининг мудири Ғ. Султоное «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг якунлари ҳамда Ўрта махсус ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг карорларини республикамиз мехнаткашларига, ҳар бир ўқувчининг онгига етказиш ва бу карорларни муваффақиятли бажариш учун умумхалқ ҳаракати кенг қулоч ёйганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг «Сиёсий билим асослари» курсини ўрганишга бағишланган Республика семинари 23 мартгача давом этади.

Ў. ЭГАМОВ.

Тошкент янгиликлари

Тошкент коммунистларининг революцион курашлари ҳақида китоб

Ёзувчи Комил Эрматов «Карвон ўтиб кетади — йўллар қоларади» номли тарихий повесть ёзди. Республика бадиий адабиёт нашриёти яқинда бу асарни рус тилида босиб чиқарди. Китобда Тошкент коммунистларининг революцион курашлари, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва босмачиларга қарши кураш йиллари ёрқин саҳифаларда баён қилинган.

Бадиий асарга асримизнинг 20-30-йилларида бўлиб ўтган воқеалар асос қилиб олинган. Унинг асосий қаҳрамонлари ҳам тарихий шахслардир. Повестда Хоразмга юборилган ўзбек ва туркманлардан иборат кичкинагина отряддан эскадрон, полк, ундан кейин эса армия пайдо бўлгани ва душманга қарши курашда совет кишисининг ўсиб-улғайиб бориши ҳақида ҳикоя қилинади. (ЎзТАГ).

Пахта ташийдиган махсус вагонлар

Тошкент магистралида янги конструкциядаги юк ташиш вагонларини синаш ишлари тамомланди. Фақат пахта ташиш учун мўлжалланган бу вагонлар шу пайтгача ишлатиб келинганларига қараганда ўзига бир ярим баравар кўп юк олади. Вагоннинг жипс бекиладиган эшиклари пахтани нам ва ўт ўқунларидан яхши сақлайди.

Илгариги вагонларга 200 той пахта жойлаштирилса, янги вагонларнинг ҳар бирига 260 тадан той жойлаштириш мумкин. Синов натижалари шуни кўрсатдики, янги вагонлар транспортировка харажатларини 25 процентга камайтирар экан.

Автомат пайвандлаш виставкаси

Бугун Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида автомат пайвандлаш ишлари бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари конференцияси очилади. Конференцияни Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг давлат илмий-техника комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши ўтказмоқда. Бир неча кун давом этадиган бу илмий конференцияда пайванд ишлари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, пайвандлашни автоматлаштириш ва бу соҳада газдан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади.

Шу муносабат билан маданият саройида каттагина виставка ташкил қилинди. Оҳак тошли қоришмалар асосида автомат пайванд қилиш, карбонат ангидрит гази билан пайвандлаш, пайванд қилувчи электрод, металларни газ билан қирқиш каби бўлимлардан иборат виставкага 40 га яқин экспонат қўйилган.

Экспонатлар орасида «Ташавтомаш» заводида ишлатилаётган «А-547» маркали пайвандлаш аппарати диққатга сазовордир. Бу аппарат механт унумдорлигини қариб 25 процент оширади, корхонага йилига янги пул ҳисобида 10 минг сўм фойда келтиради. Шунингдек, экскаватор заводининг ихтирочилари П. Зудов ва А. Макаровларнинг метални қирқишда табиий газдан фойдаланиш тўғрисидаги кашфиётларига бағишланган стенд ҳам эътиборни тортади. Бу ерда Чирчиқ шаҳри корхоналаридаги пайвандлаш ишларини акс эттирувчи экспонатлар ҳам бор.

А. ПЎЛАТОВ.

Суратда: автомат пайвандлаш виставкасига қўйилган аппаратлардан бири намойиш қилиб кўрсатилмоқда.

М. Комлев фотоси.

ШАХМАТ „ТОЖ"ИНИ КИМ ОЛАРКИН?

Бугун М. Таль—М. Ботвинник реванш матчи бошланади

Маълумки, ўтган йил баҳорида ёш гроссмейстер Михаил Таль жаҳон чемпиони Михаил Моисеевич Ботвинник билан бўлган матчда ажойиб ғалаба козониб шахмат «тож»ини қўлга киритган эди. Гроссмейстер Ботвинник ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, Тални яна куч синашиб кўришга — реванш матчи ўйнашга чақирди. Миллионлаб шахмат ишқивозлари ҳаяжонланиб кутаётган бу «дуэль» бугун Москвада бошланади.

Рақиблар илгариги матчларда бўлгани каби 24 та партия ўйнайдилар. Тўғри, кам ўйин ўйнаб, улардан бири 12,5 ёки 13 очко тўплашга эришса, қолган учрашувлар бўлмайди. Мусобақа дуранг (12:12) бўлса шахмат «тож»и М. Талда қолади.

Ўйинлар душанба, чоршанба ва жума кунлари ўйналади. Кечиктирилган партиянинг давоми ҳар бир турнинг эртасига бўлади. Якшанба куни гроссмейстерлар дам олишади.

Халқаро шахмат федерацияси гроссмейстер Штальберг (Швеция)ни мусобақанинг бош судьяси ва халқаро мастер Г. Голомбек (Англия)ни унинг ёрдамчиси қилиб тасдиқлади.

Москвалик электр инженери М. Ботвинник билан ригалик филолог М. Талнинг шахмат тахтаси устидаги бу иккинчи «жанг»и кескин тус олиши аниқ. Шахмат мутахассислари Ботвинникнинг ўтган йилги мағлубиятини унинг ўз имконияти даражасида ўйнамаганлиги деб баҳолашди. У шахматдаги моҳир стратегияси, енгилмас логикасини Лейпцигдаги жаҳон олимпиадасида яна бир бор кўрсатди. М. Ботвинник бу сафар ҳам 1958 йилги В. Смислов билан бўлган реванш матчидаги каби жаҳон чемпиони номини қайтариб олишга муваффақ бўлармикин?

Матчга Таль ҳам пухта тайёргарлик кўрди. Унинг комбинацион ўйинлар қилаб, жуда мураккаб ҳолатларда ҳам юксак санъат билан курашни давом эттириши шахматчиларни ҳануз қойил қолдиратир.

Шуни ҳам эслатиш керакки, Таль бу йил 25 ёшга, унинг рақиби эса 50 ёшга тўлади. Гроссмейстерлар ўз юбилейларини қувонч билан нишонлаш учун бор кучларини сарфлаб курашишлари турган гап. Мусобақанинг қандай якунланишидан қатъий назар, жаҳон чемпиони яна совет шахмат мактабининг вакили бўлиши қувончли ҳолдир.

М. АБЗАЛОВ.

ДОИМИЙ ДОНОРЛАР

КАЛИНИН, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Район соғлиқни сақлаш бўлими донорларни кўпайтиришда яхши муваффақиятга эришди. Ҳозир районда 1500 кишидан иборат ихтиёрий донор бор.

Бу ерда донорлар куни ўтказилди Яхши тайёргарлик кўрилганлиги туфайли йиғилишга 822 донор келди. Улардан 420 киши қон топширди. Тошкент шаҳридаги қон қуйиш институтида ўтказилган бундай тадбир ҳам дуруст натижа берди.

Район соғлиқни сақлаш бўлими донорлар билан ишлашни яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Жумладан, яна бир неча марта донорлар куни ўтказиш планлаштирилган.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Оҳангарон шаҳрида

СОТУВЧИЛАР — МЕҲНАТ ЗАРБДОРИ

«Ангренторг»нинг 4 та магазин сотувчиси коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун кураш бошлаган эди. Яқинда савдо ходимларининг иш якунлари кўриб чиқилди. 34-магазин сотувчиси Ҳайдарова ва 72-магазин сотувчиси А. Деревянченко ўртоқларга меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун сотувчи-зарбдор деган шарафли ном берилди.

ЧЕВАРЛАР КУРСИ

Шаҳардаги «Горняк» клуби ҳузурида яқинда ярим йиллик бичиш-тикиш курси очилди. Ҳозир ўртоқ Кузнецова раҳбарлигида 25 хотинқиз бу ерда янги касб—чеварликни ўрганмоқда.

А. КУКИЕВ.

Телевизор экранида

15 МАРТДА

18.30. Армия спорт клуби залидан баскетбол бўйича Ўзбекистоннинг кучли командалари ўртасида бўладиган ўйин олиб кўрсатилади.

19.00. Тошкент шаҳар Фрунзе райони болалар музика мактаби ўқувчиларининг чиқиши.

19.45. Сўнгги ахборот.

20.05. «Сўз кишлоқ хўжалик илғорларига» (ўзбек тилида).

20.20 «Ҳақиқий дўстлар» — илмий-оммабоп фильм.

20.40. «Олтин эшелон» — ўзбек тилида бадиий фильм.

16 МАРТДА

19.00. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Моҳир қўллар» деган эшитириш.

19.25. Сўнгги ахборот.

19.45. «Олим лабораториясида». Рус тилида телеочерк.

20.00. Кишлоқ хўжалик фильмлари.

20.10. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида «Пахта ва қимё» деган эшиттириш.

20.30. «Аэродром қабул қилмайди» — киноповесть.

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙИШ ФОЙДАЛИ

ДАРЁЛАР—БОЙЛИК МАНБАИ

«Қуёш ҳосилнинг отаси, сув эса онасидир» деган мақол халқимиз орасида кенг тарқалган. Суғориладиган деҳқончилик юксак ривожланган Ўрта Осиё ва шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида дарёларнинг аҳамияти жуда катта. Бугина эмас, дарёлар республикамизнинг қудратли энергия манбаи ҳамдир. Электр қувватини ишлаб чиқариш жиҳатидан Иттифоқда 4-ўринда турган Ўзбекистонда дарёлардаги гидростанциялар тўла ишга солинса, бизда киши бошига Украина ёки Иттифоқнинг бошқа марказий районларига нисбатан 18 марта кўп энергия ҳосил бўлади.

Дарёларимиз ўз сувларини асосан тоғлардаги абадий муз-ликлардан олади. Бироқ, гляциологларнинг айтишларига кўра, Ўрта Осиё музликлари аста-секин камая боради. Мутахассислар Помир тоғларидаги энг катта ҳисобланган Федченко музлигининг бир йил ичида 1 миллиард тонна сув йўқотишини ҳисоблаб чиққанлар. Гляциолог В. И. Поповнинг ҳисобича, бу музлик йил бўйи қорёмғирлардан 400 миллион тонна, яъни йўқотганидан икки ярим ҳисса кам сув олади.

Юнонлар «яксарт», араблар «сайҳун» деб атаган Сирдарё —Норин дарёси билан Қорадарёнинг Наманган шаҳри яқинидаги Балиқчи қишлоғи яқинида қўшилишидан ҳосил бўлади. Сирдарёнинг суви билан 1 миллион 600 минг гектар ер суғорилади.

Сирдарёга илгари Фарғона водисидаги тоғлардан бошланадиган Подшо ота, Гавасой ва Косонсой (ўнгдан), Оқбура, Аравансой, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх, Исфара (чапдан) дарёлари қўйиларди. Ҳозир бу ирмоқлар Сирдарёга бориб етолмайди, чунки уларнинг суви йўл-йўлакай экин майдонларига тақсимланиб тугайди. Шунинг учун ҳозирда Сирдарёнинг бир йиллик ўртача 38 миллиард кубометр сувидан фақат 14 миллиард кубометригина Орол денгизига етиб бормоқда. Яқин келажакда Сирдарёнинг ҳамма суви суғоришга сарф бўлиши эҳтимоли борметти йилликда янгидан ўзлаштириладиган ерларга қанчаданқанча сув керак бўлади. Жумладан, яқингинада қуриб битказилган Жанубий Мирзачўл каналининг 92 километрлик биринчи навбат қисмидан секундига 300 кубометр сув ўтади.

Кўкка бўй чўзган Чоткол ва Қурама тоғларини минг йиллардан бери емириб оқиб ётган Сирдарёнинг тармоғи — Оҳангарон дарёси ер қаърида яшириниб ётган тошкўмирни ва бошқа бойликларни очиб берди. Бир вақтлар бу ердан темир маъдани ҳам олинарди. Оҳангарон сўзининг ўзи ҳам буни исбот этади.

Сирдарё тармоқларидан энг аҳамиятлиси ва серсуви Тошкент воҳасини суғориб турган Чирчиқ дарёсидир. Бу дарё Ғарбий Тянь-Шань тоғларидаги қор ва музликлардан Чоткол номи билан бошланади. Чотколнинг ўнг томонидан Пском келиб қўшилади ва шу ердан бошлаб Чирчиқ номини олади. Бу номни дарё Чиноз яқинида Сирдарё билан кўришгунча сақлаб боради.

Чирчиқнинг муваффақ сувлари гарчи шаҳримизнинг анҳор ва ариқларини тўлдириб, тошкентликларнинг деразалари тагидан шилдириб оқиб ётса ҳам, Чирчиқ дарёси кўпинча хаёлимизга келмайди. Ўйимизнинг чироғини ёққанимиздагина уни эслаймиз. Ҳа, «Чирчиқ» сўзи «электр» сўзининг синоними бўлиб қолган.

Чирчиқ республиканинг энг кекса «электр дарёси»дир. Мамлакатни электрлаштиришнинг ленинча плани—ГОЭЛРО-да Ўзбекистонда ҳам 2 та электростанция қурилиши кўзда тутилган эди. 1926 йили Чирчиқда биринчи электростанция — Бўзсув ГЭСи ишга туширилди. Ҳозирги вақтда Чирчиқдан чиқарилган каналга қуриган ва Чирчиқнинг Бўзсув каскади деб аталадиган 16 та ГЭС ишлаб турибди.

Чирчиқ дарёси бўйларида қурилган электростанциялар илғор техника билан жиҳозланган. Мамлакатимизда дастлаб шу ГЭСлар қурилишида дарёни тўсиб шаршара ҳосил қилиш, уларни автоматлаштириш ва телемеханизациялаштириш усуллари кенг қўлланилган. Иттифоқимиздаги қардош республикаларнинг электростанция қурувчилари бу тажрибани ўрганиш учун Чирчиққа ҳали ҳам келиб турадилар. Бу дарёнинг гидроресурслари 2 миллион киловаттга яқиндир.

Чирчиқ—Оҳангарон водисида катта сув хўжалиги ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу эса Оққўрғон, Бўка, Пискент ва Қўйи Чирчиқ районларидаги ерларни суғоришни яхшилаш ва 20 минг гектарга яқин ерни ўзлаштириш имконини беради.

Яна шуни айтиш керакки, Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида йирик Чорвоқ сув омбори ва ГЭСи қурилиши кўзда тутилаётир. Қурилажак гидроузел тўғонининг баландлиги 150 метр бўлиб, жуда катта қувватга эга бўлади. Шунингдек, сув омбори Чирчиқ дарёсидаги ГЭСлар ишини яхшилайди ва Оҳангарон дарёсида қурилаётган Туябўғиз сув омбори билан биргаликда 120 минг гектардан ортиқ янги ерларни суғориш имконини беради. Чорвоқ сув омборининг битказилиши билан Чирчиқ дарёсидан йилига 1,5 миллиард кубометр сув тежалади.

Чирчиқ дарёсидаги мавжуд Бўзсув, Захарик, Қорасув каби каналлар ҳозирда сон-саноқсиз ариқларга таралиб, Тошкент воҳасининг аҳоли ниҳоятда зич жойлашган марказий қисмидаги 300 минг гектар ерни суғормоқда. Чирчиқ дарёсида кўзда тутилган гидротехника иншоотлари қуриб битказилгач, бу дарё суви билан 700 минг гектар ерни суғориш мумкин.

Ўтмишда «Жайҳун» (қутирган) деб ном олган Амударёда Ўрта Осиёдаги барча дарёлар сувининг 50 процента оқади. Бу дарё ниҳоятда бўтана оқиши, ўз йўлини жуда тез ўзгартириши билан ажралиб туради. Дарё бу ўжар табиати билан кема қатновига ва дарё бўйидаги экинзорларга бирмунча моддий зарар келтириб туради. Бир вақтлар Қорақалпоғистоннинг пойтахти бўлган Тўрткўлга қутилмаганда Амударё яқинлаша бошлади. Шаҳарни сувдан сақлаб қолиш учун сарфланадиган маблағ ҳисоблаб чиқилганда бундан кўра қулай ерга янги шаҳар қуриш фойдали эканлиги аниқланган. Шундан сўнг Тўрткўл ўрнига янги марказ — Нукус барпо этилган.

Амударёдан сув олувчи Қоракўл, Сувёрган каналлари тўла ишга тушгач, Амударёнинг 13 миллиард кубометр суви суғоришга сарф бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида Амударёда Тахиатош ва Туямўйин гидроузеллари қуриш масалалари ўртага ташланди. Бу ишлар амалга ошгач, дарё сувининг оқишини режага солиб туриш ва қўшимча равишда бир миллион — бир миллион юз минг гектар ерни суғориш мумкин бўлади.

Қуйилаётган сув миқдорига қараганда, парланишнинг кўп бўлиши натижасида кўпчилик қисми 15—20 метр чуқурликка эга бўлган Орол денгизи узоғи билан 30 йилдан сўнг қуриб қолиши мумкин. Баъзи мулоҳазаларга кўра, Шимолий Қозоғистон орқали Об, Иртиш дарёларидан сув келтириш ҳисобига Орол денгизини ҳозиргидек сақлаб қолиш режалари ҳам бор.

О. МУМИНОВ.

В. Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институти география кафедрасининг старший ўқитувчиси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ҳамма раҳмат дейди

Бешёғоч кўчасидан ўтадиган трамвайнинг Гулистон остановкасидаги кичкинагина ларёкка кўзингиз тушганми? Бу ерда тажрибали савдо ходими Ойша Мирзаева хизмат қилади.

Ларёкка кирган ҳар бир киши ундан истаган озиқ-овқат маҳсулотини топиб, мамнун бўлиб чиқиб кетади. Ларёкдаги озодалик, тартибни айтмайсизми. Ойша опа инвалидлигига қарамай, ҳормайтолмай ишлайди, харидорлар билан ғоят хушмуомалада бўлади, ҳамавақт ойлик планларини ошириб бажаради. У, бу ерда икки йилдан бери савдо қилиб, шу атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлаётир.

— Халққа хизмат қилаётганимни ўйлар эканман, — дейди бу аёл, — яна кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшиб ишлагим келади.

Савдо ходимлари ҳалол, софдил Ойша Мирзаевадан ибрат олишса арзийди.

М. НОВВОТОВ.
Э. АЛИЕВ.

А. Тўраев фотоси.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/III да **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро,** 16/III да **Зайнаб ва Омон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 15/III да **Гамлет,** 16/III да **Олма гуллаганда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —15/III да **Паранжи сирлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15, 16, 17, 18, 19/III да **Озарбайжон давлат циркининг хайрлашув гастроллари.** Жаҳон экс-чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери **Григорий Новак** ва тамошалар давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади. Тамоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Кўр ўғли — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Граф Монте-Кристо — «МИР», «ИСКРА» (1-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Борск устида қора булутлар — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳалокат — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ажралиш ҳақидаги иш —«ИСКРА» (2 ва 3-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15 мартда

ЎЗБЕК АШУЛАЛАРИ

КЕЧАСИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Миркаримова,** Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Ҳасан Султонов, Фозил Харротов,** филармония солистлари **Сора Шукурова, Раҳима Ҳакимова, Назира Хонкелдиева, Вилоят Оқилова, Неъмат Қулабдуллаев, Зиёдулла Ҳамдамов, Раббим Ҳамдамов** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Тошкент шаҳар, Инженер кўча, 1/3-уйда турувчи **Аркадий Павлович Шуневич**нинг Винница шаҳар, Дзержинский кўчаси, 33-уйда турувчи Валентина Ивановна Райковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Калинин номли колхозда турувчи **Ҳаким Зариповнинг** Дўмбировот кўча, 98-участкада турувчи Мамлакат Зариповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиКИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

Эҳтиёт бўлинг, буви!

НОМЛИ КИНОКОМЕДИЯ

Сценарий автори — **К. Исаев.**

Постановкачи — **Надежда Кошеверова.**

Бош оператор — **Сергей Иванов.**

Композитор — **Соловьев-Седой.**

Ролларда:
Ф. Раневская, А. Шенгелая, Л. Маркелия, С. Харитонова, Н. Ургант, Ю. Панич, Л. Быков, Л. Сатановский, С. Филиппов, Р. Быков, В. Лепко, Е. Уварова, О. Черкасова, К. Адашевский, И. Назаровлар қатнашади.

Фильмни «Ленфильм» киностудияси ишлаган.

РИЖИК

НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

А. Свирский асарлари асосида ишланган.

Сценарий автори — **М. Львовский.**

Постановкачи режиссёр — **И. Фрэз.**

Бош оператор — **М. Пилихин.**

Композитор — **Н. Богословский.**

Ролларда:
С. Павлова, И. Савкин, В. Заливин, П. Тарасов, В. Белокуров, Г. Заичкин, Б. Буткеев, Е. Зубовский, Серёжа Золотарёв, Саша Кринкин, Таня Залейс, Володя Ралетнев, Серёжа Гордеевлар қатнашади.

Фильмни М. Горький номли киностудия 1960 йилда ишлаган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

4-БЕТ, 15 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01534. Нашр. Б. 1553.